V. Хизматлар

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2021 йил январь-март ойларида хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 4 587,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1 595,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 34,8 %ини ташкил қилди. 2020 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 105,3 %ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган хизматларнинг асосий кўрсаткичлари
(2021 йил январь-март ойларида)

	млрд. сўм	*2020 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида*	*якунга нисбатан % ҳисобида*
Жами хизматлар	**4 587,9**	**105,3**	**100,0**
шу жумладан: хизмат турлари бўйича			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	137,2	132,7	3,0
Молиявий хизматлар	584,1	101,1	12,7
Транспорт хизматлари	1 018,6	101,3	22,2
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	968,4	100,2	21,1

	млрд. сўм	*2020 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида*	*якунга нисбатан % ҳисобида*
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	177,0	100,6	3,9
Савдо хизматлари	1 568,2	105,1	34,2
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	158,0	109,8	3,4
Таълим соҳасидаги хизматлар	171,1	94,5	3,7
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	101,7	126,3	2,2
Ижара хизматлари	143,0	108,3	3,1
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	93,7	102,1	2,0
Шахсий хизматлар	126,9	102,5	2,8
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	165,3	153,1	3,6
Бошқа хизматлар	143,1	97,6	3,2

Юқори ўсиш меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (53,1 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (32,7 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (26,3 %), кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (9,8 %), ижара хизматлари (8,3 %), савдо хизматлари (5,1 %), шахсий хизматлар (2,5 %), компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (2,1 %), транспорт хизматлари (1,3 %), молиявий хизматлар (1,1 %) ва яшаш ва овқатланиш хизматларида (0,6 %), қайд этилди.

Хизматлар соҳасига тааллуқли бўлган бошқа барча фаолият турлари бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг таркиби
(2021 йил январь-март ойларида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни савдо хизматлари эгаллайди. Шундай қилиб, 2021 йилнинг январь-март ойларида уларнинг улуши 34,2 %ни ташкил этди. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар транспорт хизматлари (22,2 %), молиявий хизматларда (12,7 %) қайд этилди. Яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажмларида унча катта бўлмаган ўсиш кузатилиб, уларнинг улуши 3,9 %ни ташкил этди. Шунингдек, нисбатан юқори бўлмаган улуш таълим соҳасидаги хизматлар (3,7 %), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (3,6 %) ва кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳиссасига (3,4 %) тўғри келди.

Савдо хизматлари таркиби, %да

(2021 йилнинг январь-март ойларида)

2021 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо хизматлари улуши умумий савдо хизматлари ҳажмининг қарийб тўртдан уч қисмини, аниқроғи 65,7 %ини ташкил этди (2020 йилнинг мос даврида чакана савдо хизматлари улуши 65,3 %га тўғри келган).

Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 23,6 %ни ташкил этди.

Автомобил ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, автомобиль ва мотоцикларни таъмирлаш хизматларини қўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг улуши 10,7 %ни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан, %да

(2021 йил январь-март ойларида)



Ушбу давр мобайнида нисбатан юқори ўсиш суръатлари Зангиота (108,4 %), Паркент (107,4 %), Бўстонлиқ (107,2 %), Юқори Чирчиқ (105,8 %) туманларида ҳамда Нурафшон (105,8, Олмалиқ (105,6) Бекобод (105,2 %) %), ва Янгийўл (104,9 %) шаҳарларида қайд этилди.

Нисбатан юқори бўлмаган ўсиш Қибрай (105,3 %), Пискент (105,2 %) , Тошкент (105,1 %), Оҳангарон (104,9 %) ва Қуйи Чирчиқ (104,8 %) туманларида қайд этилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари таққосланиши, %да (2021 йил январь-март ойларида)



Таълим соҳасидаги (5,5 % га) ҳамда бошқа турдаги (2,4 % га) хизматлар ҳажми сезиларли даражада пасайиши қайд этилди.

2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	Млрд. сўм	2020 йил январь-мартга нисбатан %да	Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %да	минг сўм	2020 йил январь-мартга нисбатан %да
Вилоят бўйича	**4 587,9**	**105,3**	**100,0**	**1 539,0**	**104,0**
шаҳарлар:					
Нурафшон	244,7	105,8	5,3	4 732,2	99,8
Олмалиқ	313,5	105,6	6,8	2 345,0	103,7
Ангрен	288,8	104,0	6,3	1 506,7	102,4
Бекобод	211,1	105,2	4,6	2 174,2	104,0
Оҳангарон	91,0	104,7	2,0	2 327,1	101,5
Чирчиқ	425,1	103,4	9,3	2 606,7	99,8
Янгийўл	213,6	104,9	4,7	3 444,4	102,4
туманлар:					
Оққўрғон	116,0	104,1	2,5	1 089,0	102,7
Оҳангарон	65,9	104,9	1,4	679,2	103,5
Бекобод	127,2	103,1	2,8	796,8	101,8
Бўстонлиқ	274,7	107,2	6,0	1 603,3	105,8
Бўка	121,9	103,7	2,7	953,8	102,1
Қуйичирчиқ	86,0	104,8	1,9	779,9	102,6
Зангиота	441,9	108,4	9,6	2 266,3	109,9
Юқоричирчиқ	151,2	105,8	3,3	1 083,0	102,8
Қибрай	445,4	105,3	9,7	2 199,7	104,4
Паркент	174,1	107,4	3,8	1 103,8	105,6
Пискент	67,9	105,2	1,5	664,7	103,9
Ўртачирчиқ	141,9	104,3	3,1	994,4	109,4
Чиноз	127,8	104,0	2,8	936,5	101,9
Янгийўл	223,5	104,2	4,9	1 063,6	104,3
Тошкент	234,7	105,1	5,0	1 277,5	103,5

Ҳудудлар ўртасида энг юқори ўсиш суръатлари Зангиота (108,4 %), Паркент (107,4 %), Бўстонлиқ (107,2 %), Юқоричирчиқ (105,8 %) туманлари ва Нурафшон (105,8 %), Олмалиқ (105,6 %), Бекобод (105,2 %) шаҳарларига тўғри келди.

Энг паст ўсиш суръатлари эса Бўка (103,7 %), Бекобод (103,1 %) туманларига тўғри келди.

2021 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 1 539,0 минг сўмга тенг бўлди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 %ни ташкил этди.

2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ўсиш суръати, %да



2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми



Жорий йилда вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган энг юқори хизматлар улуши Нурафшон шаҳрида - 4 732,2 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 99,8 % ва Янгийўл шаҳрида – 3 444,4 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 %ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган энг кичик хизматлар улуши Қуйи Чирчиқ туманида 779,9 минг сўмни (ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,6 %), Оҳангарон туманида 679,2 минг сўмни (103,5 %) ва Пискент туманида 664,7 минг сўмни (103,9 %), ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши, %да

(2021 йил январь-март ойларида)



2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши 69,6 %ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши таҳлил қилинганда энг юқори улуш Бўка (87,8 %), Оққўрғон (86,9 %), Тошкент (86,1 %), Ўрта Чирчиқ (82,2 %) туманларига тўғри келиб, аксинча паст улуш Нурафшон шаҳар (24,4 %) ва Қибрай туманида (50,4 %) кузатилди.